

Азиз Абдураззок 1928 йили Тошкентда таваллуд топган. Ўрта мактабдан сўнг маданий-оқартурв билим юртида тахсил олади. Сўнгра Москвадаги М. Горкий номидаги Адабиёт институтида ўкийди.

У кўп касбдошлари каби журналист сифатида «Ёш ленинчи» рўзномаси, «Шарқ юлдузи», «Гулистан» каби ойномаларда фаолият кўрсатади. Айни чогда кўп йиллар Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида ишлайди.

Шоирнинг ижоди 50-йиллардан бошланган бўлиб, биринчи шеърий тўилами 1959 йили «Дўстларимга» номи билан чоп этилади. Шундан сўнг «Япа баҳор» (1961), «Мавж» (1965), «Бодом гуллади» (1965), «Лирика» (1970), «Азиз одамлар» (1975), «Шўх ёмгир» (1977), «Калб нури» (1978) каби тўпламлари нашр этилди. «Калб нури» тўпламига кирган кўпчилик шеърлар шоирнинг эллик йиллиги якуни сифатида сайланма тарзида эълон килинган. У ўзининг «Ўрок ва ханжар» шеърида ёзади: «Ёнмоқдамен, ёнмоқдамеп, бу аён дир, дўстим бўлсанг халал берма, сен хам ёнdir», — дея яратишга, бунёдкорликка чорлайди. Ха, Ўзбекистон халк шоири Туроб Тўла айтганидек, унинг хар бир шеъридан, яъни «Азиз шеърларидан нон хиди келади, ўзл кезиб ўтган bogлар, дала-даштлар хиди келади».

Айни чогда унинг болалар учун ёзилган «Оҳ, кандай ширин» (1977), «Киз ва лола» (1979), «Тап-тап элак» (1981) каби ўнлаб асарлари чоп бўлди. Уларда бегубор ёшлик туйгулари, шўх, кулгили, баъзан хажвий, киноя-ли тарзда ўз ифодасини топди. Катталар учун ёзилган асарларида ўз халки миллий хусусиятини ифодаловчи хазил-мутойиба баъзан аччик киноя билан алмашиб туради. Китобхонга катта завқ-шавқ багишлишдан ташкари уни хушёрликка, шуурга, шижоатга етаклайди. Сўнгги йилларда унинг «Ёстиқдан чиккан эртаклар» (1988), «Богда битган эртаклар» (1989), «Тўрт оғайни ботирлар» тўпламлари (1989) нашр бўлди.

У таржимон сифатида М. Лермонтов, Т. Шевченко хамда америкалик машхур шоир Г. Лонгфелло асарларини ўзбекчалаштирган. Унинг асарлари ўнлаб ўзга тилларга хам ўгирилган.